

ISLAMONLINE.UZ

halol.uz

Фатво



Нопок ва ҳаром нарсалардан фойдаланишга тааллуқли масалалар



Савол: Ёритиш учун нопок ёғни ёкиш мумкинми?

Жавоб: Ҳа, мумкин. «Матолибул муъминин» да «Шарху Хумайдиддин ала Хидоя» дан шундай накл килинган.

Савол: Таом ёки нон нажас бўлиб қолса, уни гўшти ейиладиган хайвонга едириш мумкинми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас. «Куня»да Кози Абдулжаббордан куйидагича нақл қилинган: «Агар нон нажас бўлиб қоладиган бўлса, уни ёш болага, ё акли заифга, ёки гўшти ейиладиган хайвонга едириш мумкин эмас».

Савол: Кийим нажас бўлиб қолса, уни намоздан ташқарида кийиш мумкинми?

Жавоб: Агар бошқа кийим бўлса, уни киймаслик лозим бўлади. Нажас кийимни факат поклагандан кейин кийилади.

«Нисобул ихтисоб»да: «Нажас кийимни кийиш жоиз бўлмайди. Факатгина ундан бошқа кийим топа олмаса, уни кийишга рухсат бўлади», дейилган.

«Куня»да Кози Абдулжаббордан куйидагича нақл қилинган: «Нажас кийимдаги нажосат дирхам миқдоридан ортиқ бўлса ва унинг бошқа поқ кийими ҳам бўлса, нажас кийимни кийиш макрух бўлади. Исмоил мутақаллимдан куйидагича нақл қилинган: «Нажас кийимни кийиш агар кийимнинг тўртдан бир миқдорича нажас бўлган бўлсагина, кийиш макрух бўлади». «Шарху Саббогий»да: «Бу ҳукм, яъни ундаги нажас тўртдан бир миқдоридан кам бўлса уни кийиш мутлак жоиз эканига ишорадир», дейилган.

Савол: Дехқонлар ва богбонлар дарахтлар ва экинларга одамнинг ахлатини солишлари мумкинми?

Жавоб: Имом Мухаммад раҳматуллоҳи алайҳ: «Агар аралаштирганда ахлатдан кўра тупроқ кўпроқ бўлса, мумкин», деган. Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳдан бу ҳақида иккита ривоят келган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо бу ишни макрух санаган. Ибн Умар розияллоҳу анҳумо агар ерларини дехқонга берадиган бўлса, ерларига одамнинг ахлатини солмасликни шарт қилар экан.

Энг тўғри ҳукм Имом Мухаммад раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳукмидир. «Нисобул ихтисоб»нинг қирқ тўртинчи бобида шундай келган.

Зайлаъий раҳматуллоҳи алайҳ «Табйинул ҳақоик»нинг «Байъус саҳих» (Тўғри савдо) бобида: «Абу Ханифараҳматуллоҳи алайҳнинг наздида одам ахлатининг ўзидан фойдаланиш жоиздир», дейилган.

Савол: Хамрнинг чўқмасини соч тарашда ишлатиш мумкинми? Айрим аёллар сочларини ялтиратиш мазкур чўқмадан фойдаланадилар.

Жавоб: Бундай қилиш жоиз эмас. «Мухтасарул виқоя» да шундай келган. Чунки бундай қилиш харом нарсадан фойдаланишнинг бир туридир. Харом нарсадан фойдаланиш эса жоиз эмас. «Биржандий»да шундай келган.

Яна «Хидоя»даги ҳукмдан мазкур нарса билан соч тарашнинг макрух экани ҳам билинади. Бундан унинг харом экани назарда тутилган. Агар: «Бундай дейиладиган бўлса, гўннга нима деб ҳукм қилинади? Ахир ундан таппи қилиб фойдаланилади-ку», десангиз, мен куйидагича жавоб берман «Нажасдан уни йўқ қилиш учун фойдаланиш жоиз бўлади. Масалан, хамрдан тозалашда, нажас кийимни ювишда ҳамда сиркага айлантириб ундан фойдаланиш мумкин. Бундан ҳам яъни таппидан ҳам шулар сингари фойдаланиш жоиз бўлади.

Абдулхай Лакхнавийнинг "Нафъул муфтий" китобидан
Абдулқодир Абдул Рахим таржимаси